Қорасув шаҳрида топганини ма-халладошлари билан баҳам кўра-диган, эл-урт хизматига қамарбас-та саховатпеша инсонлар кўп. Фер-мер хўжалиги бошлиқларидан То-ҳиржон Ҳожихўрбоев Ҳайит кун-лари етим-есир, бokuвучисини йўқотганлари ҳамлаб, маҳалла чойхонасида «саов оши» дамлаш-ни одат қилган. Шунингдек, «Қо-расув» деҳқон бозорини қайта таъ-мирлашда шахсий жамғармасидан маблағ сарфлади. Ишбилармонлар-дан Саъдулла Юсупов А.Навоий номли кўчада тиш даволаш каби-нети очиб, толган даромадининг бир қисмини йўл, қўприқлари со-злашга харажат қилляпти. Эътибор-лиси, у ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга бепул тиббий хизмат кўрсатмоқда. Яқинда Саъдулла ўз маблағи ҳисобидан 32 нафар кам таъминланган оилалар болалари-нинг суннат тўйларини ўтказиб бер-ди. Ботижон Қорабевнинг саов-ли юмушларидан маҳалладошлари мамнун. Тадбиркор ўзи яшаётган мустақиллик кўчасини даромади ҳисобидан асфальтлаб, тахти-равон қилди.

Собижон РЎЗИМАТОВ, «Ишонч» мухбири

2. БАҒРИКЕНГЛИК одамларнинг бошини қовуштиради, меҳр-муруватга йўллайди

Шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар бўлими билан ҳамкорликда муқад-дам судланганлари, қамқарж оила-ларни ижтимоий-иқтисодий ҳимо-ялашда ибрат қўрсатмоқда. Маса-лан, Қобилжон Савиров жазо му-ддатини ўтаб қайтган, шаҳар «Банд-лик» бўлимида рўйхатга олинди. Махсус комиссия томонидан тур-муш шароити ўрганилгач, унга бир марталик ёрдам пули берилди. Кей-ин 2-механизацияланган кўчама-жамланмақа дурадгор сифатида ишга жойлаштирилди. Носиржон

қилинди. Мана, яна ота-онаси, оиласи даврасида, бағри бутун. Ахир, булардан азизроқ ким бор дунёда.

У озодлиққа чиққандан сўнг ша-ҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Музаффар Мамасиддиқов, «Наврўз» маҳалла оқсоқоли Турғунбой Ма-мотовларнинг ёрдами қатта бўлди. Улар биргалишиб муқаддам судлан-ган Абдуҳалим Йўлдошев оиласи-ни қилич кесмас. Абдуҳалимининг ўқинч, пушаймонлари инобатга олинди, маҳумликдан овоз

қилишда кичик ва хусусий тадбир-корликнинг ривожини муҳим омил бўлапти. Тилга олинган «Наврўз» маҳалласида 5 миң нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Бу ерда 20 нафар юридик шахс мақомига эга тадбиркор, ўнлаб ишбилармон-лар кичик қорхоналар очиб, аҳоли-нинг қорига ярайдиган халқ истеъм-ол моллари ишлаб чиқаряптилар. Кейинги пайтларда Қорасув шаҳ-рида уларнинг саъй-харақати би-лан 20 та янги иш ўринлари яра-тилди. 7 нафар муқаддам судлан-

«Ишонч» ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

Савол: интизомий жазо чораси дейилганда нималар тушунилади? Уларни қўллаш тартиби қандай? **Ҳодимни интизомий жазо чораси сифатида унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказиш мумкинми?**

Шавкат СУЛТОНОВ,
Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш ҳодимлари касабаси уюшма қўмитаси раиси

ЖАВОБ: Меҳнат Кодексининг 174-моддасига асосан ҳар бир корхона ва муассасада меҳнат тартиби иш берувчи касабаси уюшма қўмитаси билан келишиб тасдиқланадиган ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади. Ички меҳнат тартиби қоидалари билан ҳар бир ҳодим таништирилган бўлиши ва уни кўришни жойга асос қўйиш керак бўлади. Бундан ташқари, МКнинг 176-моддасига мувофиқ ички меҳнат тартиби қоидаларида муассасада қабул қилинадиган локал ҳужжатларда (жамоа шартномаларида, йўриқномалар ва бошқаларда), меҳнат шартномасида ҳодимнинг меҳнат вазибалари аниқ белгилаб қўйилади. Бу ҳужжатлар билан ҳодим имзо чекириб таништирилган бўлиши шарт. МКнинг 181-моддасида

ҳодим ўз меҳнат вазибаларини бажармаганлиги ва меҳнат тартибини бузганлиги учун иш берувчи қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллаши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган:
1.Хайфсан;
2.Уртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ошми бўлмаган миқдорда жарима;
3.Ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳодимга ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. МКнинг 164-моддаси талабларига мувофиқ иш ҳақини ҳар гал тўлаш вақтида ушлаб қолинадиган ҳақининг умумий миқдори (чунки бошқа тўловлар ҳам бўлиши мумкин) ҳодимга тегишли бўлган меҳнат ҳақининг эллик фоиздан ошми кетмаслиги зарур.

4.Охирги интизомий жазо чораси бу ҳодим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишдир. (МКнинг 100-модда иккинчи қисми 3 ва 4 бандлари)
Кўрсатиб ўтилган интизомий жазо чоралари фақат иш берувчи томонидан қўлланилади. МКнинг 182-моддасига биноан интизомий жазо чораси қўлланишдан олдин ҳодимдан ёзма равишда тушунтириш хати олинади. Агар ҳодим тушунтириш хати беришдан бош тортса уч ҳодим иштирокчи ҳодимнинг меҳнат тартибини бузганлиги батафсил кўрсатиладиган ҳолда далолатнома тузилади. Ҳодимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унга нисбатан интизомий жазо қўллашга ҳеч қандай тўсиқ бўлолмайди.
Интизомий жазони қўллашда содир этилган ноҳуя хатти-ҳаракатнинг қай да-

ражада оғир эканлиги, ҳодимнинг олдинги иши ва унинг хулқ-ахлоқи ҳисобга олинishi керак.
Шу сабабли МКнинг 181-моддасида белгиланган интизомий жазо чораларини ҳодимга бирин-кетин қўллаш керак, - деган фикрлар, яъни олдин хайфсан бериш, кейин ўттиз фоиз жарима солиш ва сўнг эллик фоиз жарима қўллаш керак, - деган фикрлар нотўғри ҳисобланади. Ҳодимга сабабсиз бир кун давомида ишда бўлмаганлиги учун иш берувчи учун билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ ҳам чиқаришга ҳақли.

Ҳодимга ҳар бир ноҳуя хатти-ҳаракати учун фақат битта интизомий жазо қўлланиши мумкин. Интизомий жазо ҳодимнинг бевоқифлиги ва ноҳуя хатти-ҳаракати аниқланганда сўнг, аммо бу хатти-ҳаракат аниқланган кундан бошлаб, ҳодимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан, қўли билан бир ой муддат ичида қўлланилади. Ҳодимга интизомий жазо бериш иш берувчига қонунда мажбурий қилиб белгиланган ҳақдорликда ташкил этилди.

Ҳодимга ноҳуя хатти-ҳаракат содир қилинган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин, молия-ҳўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда эса, - содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтгандан кейин интизомий жазо қўллаб бўлмайди.
Интизомий жазо чорасини қўллаш буйруқ (фармойиш) ёки қарор билан расмийлаштирилади ва бу ҳужжатлар ҳодимга имзо чекириб ташиштирилади.

Ҳодимни интизомий жазо чораси сифатида бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди. Чунки бундай жазо чораси МКнинг 181-моддаси билан белгиланмаган. Агар интизомий жазо чораси сифатида иш берувчи томонидан ҳодимга айриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган бўлса, МКнинг 111-моддасига асосан у иш берувчининг ўзи, суд ёки бошқа ваколатли орган томонидан аввалги ишга қайтарилиши зарур.
Конунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахс юқори ҳўжалик органи томонидан ҳўқуқий билимининг бойиши учун тегишли маълум ошириш муассасаларида юборилиши зарур.

Ёзги соғломлаштириш

«КОИНОТ» БАҒРИДА

Ғиждувонда жойлашган ушбу ғўшага қадам босишнинг билан эрталардаги «Боғи эрам»га кириб қолгандек ҳис этасиз ўзингизни. Унинг бу қадр оқибат ва кўркам бўлишида оромгоҳ раҳбари Зийдулло Бозоровнинг хизматлари катта. У киши кишини-ёзини фақатгина бир ўй ташвиши билан, елиб-юғурди. У ҳам «Коинот»ни нафақат туманда ёхуд вилоятда энг кўркам оромгоҳ-

лар сафидан жой олиши учун.
Бугун ушбу маскан болажонлар шўх-шодон қийригига тўла. 1-босқичда 306 нафар ширкат хўжалиги ва фермер жамоаларида ишловчи ота-оналарнинг фарзандлари мириқиб дам олишди. Кейинги босқичда ҳам шунча деҳқон фарзандлари жалб этилди.
«Хамма яхши нарсалар болаларга». Тўғриси, илгари ҳам бу даъват бор эди.

Аммо у қоғозларда қолиб кетаверди. Эндликда эса истиклол юрт келажак бўлган жажжи ўғил-қизларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Бунга уларга ғамхўрлик қўламини кун сайин ошиб бораётганлигидан ҳам ўқиб олиш қийин эмас, - дейди бош тарбиячи Шўхратжон Болтаев.
Усмон НАВРҮЗ,
«Ишонч» муҳбири

«РЕЗАКСОЙ» СУВ ОМБОРИ ҚУРИЛИШИДА

Айни кунларда Чуст туманида «Резаксой» сув омбори барпо этиляпти. Уни «Тупалансугвэскуриши» масъулияти чекланган жамият жамоаси ҳамда мамлакатимиз турли қурилиш ташкилотлари бунёдкорлари бунёд этмоқда.
Сув омбори қурилиши биринчи навбати учун 23,6 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ҳозир бу ерда иш қизгин давом этмоқда. 186 автомашина, 38 эксковатор, 22 бульдозер ва автогрейдер кучидан унум билан фойдаланилмоқда.
Шу йилнинг биринчи июлигача 4,8 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Ушбу иншоот ишга тушгач, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятлари оби ҳаёт билан тўла-тўқис таъминланади.
Суратда: эксковаторчи: Зийдулло Патликов.
Х.МАМАДАЛИЕВ
(Ўза) олган сурат

Мамлакатимиз пойабзалчилик саноати тармоғида дастлаб ташкил этилган «Ўзсаламан» Ўзбекистон-Германия қўша қорхонаси ички ва ташқи бозорни сифати пойабзал маҳсулотлари билан тўлдиршида салмоқли ўрин эгалламоқда. Бундан тўқтиз йил илгари Фарғона пойабзалчилик фабрикаси ўрнида иш бошлаган қўша қорхона маҳсулотлари нафақат ички бозор, балки Афғонистон, Россия ва бошқа ҳамдўстлик мамлакатларида шўхрат қозонди.

«ЎЗСАЛАМАН» — ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Қорхона иш бошлаганида бу ерда фақат 4 турдаги оёқ кийимлари ишлаб чиқарилган бўлса, бугунга келиб қорхона цехларида 40 турдаги бежирим, пишк пойабзаллар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, бир жуфт пойабзални тайёрлаш учун 13-14 дан ортиқ ёрдамчи ашёлар керак бўлади. Хомашёларни четдан олиб келиш эса табиийки, маҳсулот қиймати оширади. Ҳолбуки, бу маҳсулот турларини маҳаллий шaroитда ҳам тайёрлаш мумкин. Масалан, пойабзалчиликда муҳим ўрин эгаллаган чарм маҳсулотларнинг эндиликда Қўқондаги «Кўнчи» қорхонаси, «Обидхон» ва Ахмедов номи хусусий фирма етказиб бермоқда. Бу борадаги ишлар самарасида «Ўзсаламан» маҳсулотлари ички ва ташқи бозорда ўз ўринини топди. Айни кунда Москва, Новосибирск, Омск шаҳарларидаги савдо уйлари ва Афғонистоннинг «Камгар» фирмаси билан 400 миң АҚШ доллари миқдоридagi маҳсулотларни етказиб бериш зосидан шартномалар имзоланган. Қорхонада тайёрланган ҳар бир пойабзал сифати катта эътибор билан қаралади. Бу ерда ишлаб чиқарилган оёқ кийимлари 40 даража иссиқ ва 60 даража совуқ об-ҳавога бардош беришига қафолатланади. Албатта, буларнинг барчаси дунё пайабзал бозоридa «Ўзсаламан»нинг оғуру эътибори ортшишга хизмат қилмоқда.

«Туркистон-пресс»

Газетхон илтимосига кўра СУНЬИЙ БУЙРАК БЎЛИМИ

Бўлим бошлиғи эндигина хонасига кириб, беморларнинг касаллик варақалари билан танишаётган ҳам эдики, эшик очилиб, ўрта бўйли, бугдой ранг киши кўринди.

- Ассалому алайкум, менга Мусахон ака рағиб эдилар.
- Келинг, марҳамат, эшитаман, - деди оқ халати ўзига ярашиб турган истараси иссиқ шифохор беморга юзланиб.
- Сизга юборишганди, - деди қўлидаги қоғозни дўхтирга узатаркан.
- Ташхисларингиз билан танишдим, ётиб даволанишингизни маслаҳат берамиз...
- Ха, Ғузур туманида истикомат қилаётган Йўлдош Назаров кўпдан буён буйрак хасталиғи билан оғриб келган. Энди у буйракдаги нуқсонларни бартараф этиш учун бевоқиф шифохонада даволаниши лозим эди. Шунинг учун бу ерга келганди.
Китоб туман марказий шифохонасининг «Сунъий буйрак бўлими»да бундай беморларни даволаш учун барча имкониятлар мавжуд. Бу ерда 23 нафар тиббий-ётиб ходими халқ саломатлиғи йўлида хизмат қилаяпти. Мазкур бўлим вилоятда ягона бўлиб, асосан буйрак хасталиғига ихтисослашган.
Бундан 13 йил муқаддам фаолиятини бошлаган мазкур масканда нафақат Китоб тумани, балки вилоятнинг барча хўдудларида келган беморлар шифо топиб кетишмоқда. Уртан вақт мобайнида бу ерда қарийб мингга яқин буйрак хасталиғи билан оғриган беморлар даволанди. Аббор Саидов, Саодат Саидова, Гаваҳар Норхўжаева, Фазилат Жуманова каби шифохорлар халқ саломатлиғи йўлида астойдил хизмат қилаётганлар.
Бўлимимизга ҳар кун иўдан ортиқ буйрак хасталиғи билан оғриган беморлар муружаат қилишади, - дейди бўлим бошлиғи М.Амиров. - Уларнинг аксариятига ётиб даволаниши маслаҳат бердик.
Қамашили Мўтабар Утаева, Султоний Амбаровлар, деҳқонободлик Рустам Оромов, чиқоқчилик Хусниддин Исмоилов, Ҳасан Оқбобовлар дарадларига малҳам бўлган шифохорлардан миннатдор эканликларини билдиришди.
Бу ерда 8 та гемодиализ аппарати бўлиб, беморларнинг буйрағидаги етишмовчиликларни даволайди. Кези келганда шунга ҳам таъкидлаш керакки, республикада тиббиётни ислоҳ қилиш Давлат дастурини тўлиқ бажариш учун бу ерда ҳали олдинда қилинмиши лозим бўлган кўпгина ишлар бор. Шифохона ларини янада янги, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш шулар жумласидандир.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» муҳбири



КўРИК-ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ

Янгийўл туманидаги «Низбўши» ширкат хўжалиғида ногирон болаларнинг «Мафқурон ранглар олами» деб номланган тўққизинчи халқаро кўрик-танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 50 нафарга яқин бола катнашди.
Ушбу халқаро кўрик-танлов Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахлоқини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиғи томонидан «Соғлом

авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармаси, Бадий академия, Республика ногиронлар жамияти, Тошкент вилояти ҳокимлиғи ва қатор бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилди.
Танлов якунларига кўра, катта ёшлилар гуруҳида Янгийўл шаҳридан 15 ёшли Нодира Холдорова биринчи, қибрайлик 13 ёшли Мирзо Ҳикматуллоев иккинчи, Янгийўл туманидан 14 ёшли Жамшид Болтабоев учинчи

МЕҲНАТИНГ НОНИ ШИРИН

2001 йилгача туманларимизда сифатли уруғ тақчил эди, - дейди вилоят галла уруғчилиғи бошқаруви раҳбари Шомирза Сафаров. - Бу эса ҳосилдорликка ва, табиийки, дон сифатига таъсир кўрсатмай қолмади. Соҳага эътибор кўчайтса, серхосил ва эртапайил галла навлари етиштирилади бошланади. Бу экспорт учун ҳам дон тайёрлаш имконини бермоқда. Бу йил четга олтиш миң тонна дон сотиш режалаштирилган.

Божхона ҳаётидан

«ЗИЛ-130» автомашинаси юкхонасида чет элда ишлаб чиқарилган 220 миң метр электр сими борлиғи аниқланди. Хайдовчи Х.Абдуллаев божхоначиларга тақдим этган ҳўжжат бўйича оқ Бекободдан Тошкентга олиб кетилаётгандай эди. Кейинги суриштирувларда эса бу ҳўжжатларнинг қалбаки экани, қўшни давлат ҳудудида сотиб олинган қиймати 17 ярим миллион сўмлик сим мамлакатимизга ноқонуний олиб кирилгани маълум бўлди.
Мўмай пул топиш мақсадида қинғир ишга қўл ураётган бундай «тадбиркорлар» қонун олдида жавоб беради, албатта.
(Ўза)

Ички бозорни химоялаш, тадбиркорларга қўлайлик яратиш, божхона ҳўжжатларини расмийлаштириш билан боғлиқ идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш муҳим вазифалардан биридир.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қароридан бу борадаги вазифалар аниқ ва равшан белгилаб берилган. Ҳўжжатда юртимизга жисмоний шахслар томонидан товарларни импорт қилишни тартибга солиш ва ички бозорни ноқонуний товарлардан химоялаш мақсад қилиб қўйилган. Урта ва кичик бизнесни

ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар экспорт салоҳиятини ошириш билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

КОНТРАБАНДАГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Айни пайтда контрабанданинг пайини қирқиш ҳам муҳим вазифалардандир.
Ўзбекистон Давлат божхона қўмитаси матбуот хизматидан Ўза муҳбирига маълум қилишларича, жорий йил ўтган даври мобайнида жисмоний шахслар томонидан мамлакатимиз ҳудудида товарларни ноқонуний олиб келиш бўйича 13 миң 214 ҳолат аниқланиб, қиймати 4 миллиард 22 миллион сўмлик

товар-моддий бойликлар далилий ашё сифатида ушлаб қўлинган.
Сирдарё вилояти божхоначилари бошқа ҳуқуқни муҳофазаси қиливчи идоралар ҳодимлари билан ҳамкорликда «Мерседес-Бенц» автобусида 10 миллион сўмлик пойафзал ва кийим-кечак ҳеч қандай ҳўжжатсиз олиб кетилаётганини аниқлади. Ҳоразмлик бу гуруҳ «тадбиркорлар» бу товарларни Урганч шаҳри бозорида қайта пуллаш мақсадида экан.
Бекобод туманида тўхтатилган

Юқори Чирчиқ туманининг Оқовул қишлоғида ишга туширилган қишлоқ врачлик пункти уч мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатади. ОҚОВУЛДА ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Мазкур шифо масканда умумий амалиёт шифохори, акушер-гинеколог, педиатр, хирург, стоматолог, физиотерапия ҳамда эмлаш хоналари ишлаб турибди.
Шундай қилиб, туманда бундай шифо масканлари сони ўн саккизтага етди.

Сайхун ва унинг атрофида жойлашган қишлоқлардаги ўн тахтаб ҳамда битта касб-хўнар коллежи ўқувчилари энди «Сайхун» болалар спорт-соғломлаштириш мажмуида спортнинг қўллаб турлари билан шуғулланиши мумкин. Ушбу объект қурилиши учун 174 миллион сўм сарфланди. Қурилиш Сирдарё вилояти болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан молиланди.
Усти ёпик мажмуа 1200 томошабинга мўлжалланган бўлиб, катта футбол майдонига эга. Баскетбол, волейбол майдонлари, теннис корти керакли барча инвентарлар би-

ХОРАЗМЛИК БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидаги «Бахт» соғломлаштириш оромгоҳида дам олаётган хоразмлик 90 нафар боланинг ҳаммаси тўлиқ тиббий кўридан ўтказилди. Шуниси эътиборликки, бу ишлар оромгоҳининг ўзида «Соғлом авлод учун» халқаро нодавлат хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси томонидан ташкил этилди.

Бригада билан биргаликда оромгоҳга «Соғлом авлод гунаҳалари» театр-студияси артистлари ҳам таширф буюрди. Улар болаларга соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи «Қирмизи олма» спектаклини намойиш этди. Бундан ташқари, шу кунга жамғарма номидан болаларга витамин препаратлари, тарбиячиларга эса ёшлар ўртасида гиёвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш бўйича услубий адабиёт топширилди. Жорий йилнинг ёзида жа-

СТАДИОН СЕВИМЛИ МАСКАН

лан жиҳозланган. Шунингдек, бу ерда тренажёр, кураш, бокс заллари, шахмат ва шашка хоналари ҳам мавжуд.
- Жами туманимизда 6-17 ёшдаги 15800 нафар бола бор, - дейди Сайхунбод тумани ҳокими Раҳматилла Нормуродов. - Уларнинг деярли етти миң нафари спорт билан мунтазам шуғулланади. Янги мажмуадан ташқари иккита стадион, 36 футбол, 60 баскетбол ва волейбол майдони, иккита теннис корти, 22 спорт зали уларнинг ихтиёрига берилган. Фермер хўжаликлари, хусусий тадбиркорлар, қорхона, ташкилот ва муассасалар жамоаларининг ҳомийлик ёрдами туфайли бу объекتلарнинг барчаси яхши ҳолатда.
Спорт секцияларидаги машғулотлари халқаро ва республика мусобақалирида улкан галабаларни кўлга келтирдан мураббийлар олиб бормоқда. Сайхун ва Бўстон қишлоқларида халқаро гроссмейстер Алишер Ортиқов ва унинг синглиси, спорт устаси Дилафрўз болаларга шашка ўйини кўникмаларини ўргатмоқда.

лаб чиқилган комплекс дастур доирасида амалга оширилмоқда. Тошкентда Республика Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда жамғарма хузурида фаолият кўрсатаётган «Оила» тиббиёт маркази базасида «Қувшач» болалар оромгоҳининг ташкил этилгани ҳам ушбу дастурнинг самарадорлиғига яна бир мисол бўла олади. Бу ерда бир вақтининг ўзида ҳам таъминланган оилалар фарзандларини ҳам дам олиб, ҳам даволанмоқда. Ёз давомида оромгоҳда 200 нафардан ортиқ ўғил-қиз ўз соғлигини тиклаб олиши мумкин. Улар учун тиббий муолажалардан ташқари қўллаб қўнгилочлар тадбирлар, жумладан, хайвонот боғи, «Тошкентленд» боғига бориш, пойтахтимизнинг диққатга сазовор жойлари бўйлаб экскурсиялар ташкил этилган.

Пахтакор қишлоғида эса кикбоксинг оммалашиб бораётди. Бу ерда спортнинг ушбу тур бўйича секцияга жаҳон чемпионатининг бронза медали совдорини Собир Қодиров раҳбарлик қилмоқда.
Айниқса К.Султонов ва Ш.Раҳимов номи қишлоқлардаги спорт заллари одамлар билан гавҳум бўлади. Бу ерга ҳар кун миллий кураш, самбо ва дзюдо ишқибозлари келади. Уларнинг кўпчилиғи ҳамқишлоғи, Осиё чемпиони ва жаҳон чемпионати бронза медали соҳиб, мураббий Баҳримурод Орзиёвдек полвон бўлишни орзу қилади.
(Ўза)

Солиқ ва ҳаёт ҚОНУНИЙ ДАРОМАД БАРАКАЛИ БЎЛАДИ

Тижорат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилиши, уларнинг моддий аҳолини яхшилаш билан бирга аҳоли турмуш маданиятини ошириши таъминламоқда. Булунғур тумани мисолида ҳам бунга яққол қўриш мумкин.

Айни пайтда туманда 752 нафар тадбиркорлар рўйхатдан ўтган. Улар аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, жамият ва давлатга наф келтиришмоқда. Шу ўринда тижорат билан шуғулланаётган М.Бобобров, И.Эргашев, Ж.Даминов каби ўнлаб тадбиркорларни намуна тарихисида кўрсатиш мумкин. Чунки улар белгиланган қонун-қоидаларга қатъий амал қилиб, белгиланган солиқ, тўловларни ўз вақтида, тўлиқ амалга ошириб келишмоқда. Қонун доирасидаги фаолият улар даромадларининг мунтазам ошишига олиб келмоқда. Шундай интизомли тадбиркорлар ва фўқаролар бирлиги туфайли туманда даромад ва ер ва мулк солиқлари ва бошқа тўловлар бўйича режалар ошириб удалланипти. Шולי курамқисиз бўлмаганидек, солиққа оид қонун-қоидаларни бажаришдан тўлиқ тўлаётганлар ҳам учираб туради. Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ўтказилган текширишларда 200 нафар фўқаро солиқ қонунчилиғига риоя қилмаётганлиғи аниқланди. Улар тегишли тартибда маъмурий ва молиявий жаримга тортилди. Шундан 4 та текшириш ҳўжжатлари чора кўриш учун тегишли идораларга тақдим этилди. Текшириш жараёнида ноқонуний салдога чиқарилганлиғи аниқланган 2 миллион 717 миң сўмлик маҳсулот сўд қарорига мувофиқ давлат фойдалига муасодар қилди. Жумладан, 2732 қўти тамаки маҳсулоти, 1332 шиша ароқ савдодан олиб қўйилди. 75 нафар фўқаро ҳеч бир ҳўж-

Ҳаёт фалсафаси

Тиниб-тинчимас талбиркор Раҳим Пулатовлар оила-сини Жиззах туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши биледи...

гулларидан нектар йиғди-лар. Маълумки, асалари заҳардан тиббиётда доривор моддалар тайёрланади...

У ҲАМИША ГУЛГА ТАЛПИНАДИ

Асал - қимматбаҳо ва шифобахш озуқа, - дейди саховатпеша талбиркор Раҳим ака...

Ҳақиқатан ҳам шундай. Оқ ҳашаротлар оила-оила бўлиб, ахил ва иноқ яшашади...

Арилар турли ҳаракатлар ёрдамида ўзаро ахборот алмашадилар. Масалан, разведкачи нектарга бой бўлган гулзорни топганида...

Ишчи арилар учун ҳузур-ҳаловат, бу ҳалол меҳнатдир. Уларнинг бутун вужуди меҳр-муруват, меҳнатсеварлик, ҳалоллик ва заҳмат-

НИМ ТАБАССУМ

Бир киши жарроҳдан томоғига тикилган балиқ қилтаногини олиб ташлашни илтимос қилди...

Паришонхотир олимга хотини: - Эски газеталарнинг ҳаммасини ёқмоқчиман...

Машинанинг рулини ва тормоз педалларини ўғирлаб кетиштипти. Ердам беринг...

У отланашга буйруқ бериб улгурмай яна телефон жиринглади...

Уф! Иссиқни қаранг! Сояда 30 даражага етпти-я!

Ким сизни сояда ўтиришга мажбур қилляпти? Ташқарига чикинг...

Икки грамм никотин отни ўлдирар экан...

Сотувчининг кўпол муомаласидан жаҳли чиққан харидор деди:

Айтган гапларингизни қайтариб олиб, кечирим сўранг...

Бу ерда ҳеч нарса қайтариб олинмайди, жуда бўлмаса алмаштириб берилади...

Салима, сен мени яхши кўрасанми? - деб сўради йигит таниш қизидан...

Ҳа, албатта!

Ундай бўлса эртага

ЗАГСГА КЕЛСАНГ...

Биз Ҳалима билан никоҳдан ўтмоқчи эдик. Гувоҳ бўласан...

Сиз эҳтиётсизлик қилдингиз, - деди хайдовчи йўловчига танбех бериб...

Мен ўн йилдан бери шоферлик қиламан, ҳозиргача бирон марта ҳам бунақа ходисага дуч келмаган эдим...

Мен ҳам кеча туғилган гўдак эмасман! - деб эътироз билдирди йўловчи...

Икки психиатр суҳбатлашяпти:

Бугун ҳузуримга бир бемор келди. У телефон аппаратини ютиб юборган эмиш...

Сен, албатта, гипноз ёрдамида уни бу вазвасдан халос қилган дурсан...

Йўқ, йўқ. Буни фақат эртага қилиш мумкин...

Нега энди?

Бугун кечкурун муҳим бир иш бўйича унга кўнғироқ қилишлари керак экан...

Кўл бўйида рассом қуёш ботишининг сувратини чизмоқда. Унинг орқасида бир бола етаклаган одам тўхтаб...

Ана кўрдингми, ўғлим, фотоаппарат бўлмаса, одам ана шунанга қийналади...



А.ҲАКИМОВ чизган сурат

КИМЁВИЙ ҲОДИСА

Эшигининг орқасига «Ҳакимлар» деб ёзилган кенг хона...

Билмадим, билмадим... Кеча кеча эди. Бугун эса яна котиб қолдим дейман-да...

Ҳажвия

Этиб, столга ружкасини ташлади ва ҳамроҳига савол назари билан тикилиб қолди...

Узиям... жуда қаттиқ экан-да. Юмшатгунча роса терладим... Кўнглим сезиб турибди, барибир эрийди...

Эририкман-а?! - Билмадим, ҳар қалай эриси керак...


Сизга ишонман... Яна ярим соат кутайлик-чи... Сабрнинг таги олтин деганлар...

Ҳа, энди бу ёғи сизга боғлиқ-да. Ишловни яхши ўтказган бўсангиз...

Оппоқ халат кийган бу икки киши севинчидан гўё кенг хонага сигмас даражада бирдан «семириб кетишди»...

Ҳа-а... Ундай бўлса, тўғри қилибсиз. Кеча кийшайган бўлса, бугун албатта йақини кўтарарди...

Сафар КОКИЛОВ Узув тумани



УНУТИЛМАС ОНЛАР

Ш.СУЛТОНОВ сурат лавҳаси

ШАНБА ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



Абдулла САИДОВ

Жонажон юртимиз бетакрор, гўзал табиати билан кишини ўзига мафтун этади...

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олагн сурат

СКАНВОРД

Word search grid with clues in Uzbek. Includes words like 'Самолётлар', 'Чолғу асбоб', 'Жўшқин', etc.

Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Одамлар минг йиллар давомида турли хил сонларга алоҳида эътиқод қўйиш анъанасини яратган...

«БАХТЛИ» ЁҲУД

«БАХТСИЗ»

Қадимги одам само ёриткичларнинг тизимли харақатини, ёмғир, қор, шамол, олов...

Рақамларда қандайдир илоҳий куч борлигига ишониб оқибатида «бахтли» ва «бахтсиз» кунлар, етти йил меҳру оқибатдан маҳрум бўлиб қолиш ёки етти йилгача уйланмасликдан чўчиб...

Рақамлар билан боғлиқ хурофий анъаналарнинг қолдиқлари яқин кунларгача халқимиз орасида ҳам мавжуд бўлган...

Севара УҚТАМОВА

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳузурда фаолият кўрсатаётган фан ва таълим марказида ҳозир бўнда замонавий компьютер қурилмалари, интернет орқали олинётган манбалар ҳам кўл келмоқда.

МИСРГА БЕПУЛ ЙЎЛЛАНМА

Марказ ўзининг адабиётларга бой кутубхонасига ҳам эга бўлди. Ҳозир бу ерда беш мингдан ортиқ китоблар мавжуд бўлиб...

Араб тилини пухта эгаллаётган толиби илмларнинг араб тилида ёзган энг яхши ҳикоялари муносиб тақдирланди...

Утган йили эса беш нафар араб тили билимдон хисобланган ёшлар бундай имкониятни қўлга киритган эди.

Шоҳрух МИРЗАЕВ

ОММАЛАШАЁТГАН ИБОРА

«Урбанизм», «урбанизация» деган сўзлар тез-тез қулқоқ чалинади. Ушбу тушунча кейинги йилларда турмушимизга сингиб кетди...

У аслида латинча «урбан» сўзидан олинган бўлиб, «шаҳар» маъносини англатади. Аммо фақат кейинги вақтда урбанизация атамаси тилимизга ўтиришиб...

Дарҳақиқат, илмий-техника инқилоби даврида урбанизация кўп қиррали жараён сифатида жамиятда катта аҳамият касб этмоқда. Эндиликда урбанизация тушунчаси том маънодаги ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб...

ПАТ - ОЗИҚ

Куш паtida 85 фоизгача оксил бор. Бироқ у ҳазм бўлмайди.

РАҚАМ СЕХРИ

Шарқ халқларининг ода-

тига кўра, Наврўзда ўзига хос еттиликларга амал қилишади. Дехқонлар Наврўз арафасида махсус идишларга етти хил донли экин уругини экиб қўйиб...

ТўЛҚИНДАН ЭНЕРГИЯ

Океаннинг қудратли пўртанавор тўлқинларидан электр токи олишда фойдаланиш мумкин экан. Япон олимларининг лойи-

ҳасига кўра 40.000 тонна оғирликдаги сузувчи мосламга электрогенератор ўрнатилди.

Унинг ички қисмига ўрнатилган ҳаво поршени билан ишловчи цилиндрлар тўлқин шиддати таъсирида ҳаракатда келади ва электрогенераторни ишга туширади.

Лойиха муаллифларининг ҳисоб-китобида кўра, биргина шундай мослама 20.000 киловатт электр энергия ишлаб чиқара олиш қувватига эга.

А.АЛИЕВ

GESHEM ЁМҒИР ЁҒДИРАДИ

НАСА мутахассислари Бельгиянинг Брюссел ҳамда Исрои-нинг Бен Гурюн университетлари олимлари билан ҳамкорликда сунъий ёмғир ёғдириш қурилмасини ишлаб чиқди.

Дунё олимлари мавжуд булутлар ёрдамида ёмғирчилик келтириб чиқариш йўлиларини аллақачон хашф этган. Бироқ булутнинг ўзини ҳосил қилиш усули

ни ўзида қамлаб, иссиқ ҳаво оқимини атмосферага ҳайда чиқа олади. Бунинг натижасида эса булутлар пайдо бўлади.

Шарҳ марказларидаги ҳароратнинг чекка ҳудудлардаги қараганда юқориқор бўлишининг сабаби нимада? Олимларнинг фикрича, шарҳларда асфалт йўлларнинг ҳамда бетон томи йўлларнинг кўпчилиги иклиминг ўзгаришига таъсир этади. Чўки улар доимий равишда иссиқликни қабул қилиб тарқатиб туради.

Исроилда барло этилаётган сунъий ёмғир қурилмаси 9 миң квадрат километр майдонни қамраб олади. Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 10 миллион АҚШ долларига тенг. Ҳозир мутахассислар Geshem лойиҳаси ҳақида тақриб тарихида янги ҳомаш турларидан фойдаланаётир. Қўтилган натижага эришилса, сунъий ёмғирнинг нари анча арзонлашади.

(ЎзА)

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Зайниддин Рихиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа болаган

Махсуслими: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.